**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ХОРАЗМ**
**ВИЛОЯТИ**
**ҲОКИМИ**
**ФАРМОЙИШИ**

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**XORAZM**
**VILOYATI**
**HOKIMI**
**FARMOYISHI**

«30» январь 2016 yil

**Урганч ш.**

№ 10ф

Нусха №____

Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрларининг давлат бошқаруви, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги малакасини ҳамда ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек демократик ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, давлат органлари фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтариш борасидаги устувор вазифаларни бажаришда уларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 январдаги 58-ф-сон фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлари бўйича ёрдамчиси (Ш.Яхшибаев)га:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказиладиган ўқув семинарида вилоятдан қатнашадиган иштирокчиларнинг рўйхатини шакллантириш;

- ўқув семинаридаги тематик режага асосан тегишли мавзулар бўйича пухта тайёргарлик кўриш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

- 2016 йил 2-23 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида 1-иловадаги тематик режага биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқув семинари ўтказилиши белгиланганлиги;

- Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрлари учун ташкил этиладиган ўқув семинарини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, шунингдек тегишли вазирликлар ва идораларнинг курслар тингловчилари ўқув жараёнини ва дам олишини

ташкил этиш самарадорлиги бўйича ишларининг аниқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида 3-иловага мувофиқ таркибда ишчи гуруҳ тузилганлиги;

- Ўқув семинарининг тематик режасида белгиланган мавзуларни олиб борувчиларга:

тематик режада белгиланган мавзулар бўйича республиканинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича таҳлили ва жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида соҳалардаги мавжуд муаммолар, уларнинг илмий ва амалий ечимларидан иборат бўлган намунавий материалларни ва тест саволларини тайёрлаш;

ўқув семинари материалларининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида тематик режада белгиланган мавзулар бўйича машғулотларни маъруза, баҳс-мунозара, амалий машғулот, мулоқот ва давра суҳбатлари шаклида ташкил этиш топширилганлиги;

- Давлат тест маркази (Ж.Исмоилов)га тематик режа бўйича мавзуларни олиб борувчилар билан ҳамкорликда тест саволлари тайёрланишини ва якуний тест синовларининг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш топширилганлиги;

- Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р.Усмонов)га ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (М.Алиев)га семинар қатнашчиларини транспорт воситалари билан таъминлашлари, машғулотларни ўтказиш, яшаш ва овқатланиш учун ажратилган жойларда белгиланган тартибда зарур шарт-шароитлар яратиш топширилганлиги;

- Ўқув семинари қатнашчиларининг транспорт, яшаш ва овқатланиш харажатлари уларнинг асосий иш жойлари ҳисобидан қопланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан мазкур ўқув семинарини ўтказиш (сертификатлар ва рамкалар тайёрлаш, канцелярия ва ўқув-тарқатма материаллари) билан боғлиқ харажатларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши назарда тутилганлиги;

- "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси (В.Тян)га ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти (А.Раматов)га ўқув семинари қатнашчиларининг ўз вақтида етиб келиши ҳамда ўз манзилларига қайтиб кетиши учун уларни йўл чипталари билан белгиланган тартибда таъминлаш топширилганлиги;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Алимов)га ўқув семинари иштирокчиларини вазирликнинг Тиббиёт-санитария бирлашмаси шифохона ва санаторияларига жойлаштирилишини, белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилиши ва даволанишини ташкил этиш топширилганлиги;

- Тошкент шаҳар (Р.Усмонов) ва Тошкент вилояти (А.Усманов) ҳокимликларига ўқув семинари иштирокчиларининг Тошкент шаҳри ва

**Вилоят ҳокимининг**
**2016 йил "20" январь**
**10ф - сон фармойишига**
**3-илова**

**Вазирлар Маҳкамасининг**
**2016 йил 28 январдаги 58-ф-сон**
**фармойишининг 3-иловаси**
**билан тасдиқланган**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ўқув семинарларини давомида транспорт, яшаш ва овқатланиш масалаларини ташкил этиш бўйича**

**ИШЧИ ГУРУҲ ТАРКИБИ**

| № | Ф.И.Ш. | | Лавозими |
|---|---|---|---|
| 1. | Ходиев Б.Ю. | - | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари. Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | Усмонов Р.Ж. | - | Тошкент шаҳар ҳокими |
| 3. | Алимов А.В. | - | Соғлиқни сақлаш вазири |
| 4. | Аҳмедов Б. | - | Маданият ва спорт ишлари вазири |
| 5. | Исмоилов Ж. | - | Давлат тест маркази директори |
| 6. | Алиев М. | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори |
| 7. | Акбаров А.А. | - | "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари |
| 8. | Икрамов Р.Х. | - | "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари |
| 9. | Ризаев Ф.Х. | - | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари АТД мудири |
| 10. | Турсунов А.К. | - | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Йиғма АТД шўъба мудири |

Вилоят ҳокимининг
2016 йил "20" январь
106 - сон фармойишига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 28 январдаги 58-ф-сон
фармойишининг 2-иловаси
билан тасдиқланган

Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрлари учун ташкил этиладиган ўқув семинарларини ўтказиш
ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ҳудудлар номи | Қатнашчилар сони | Ўқув семинарини ўтказиш вақти | Ташкил этиш ва ўтказиш учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | **I гуруҳ** | 75 | 2016 йил 2-12 февраль | Азимов Р.С., Назармухамедов Д.А. *(келишув бўйича)* |
| 1. | Сурхондарё вилояти | 20 | | |
| 2. | Қашқадарё вилояти | 20 | | |
| 3. | Бухоро вилояти | 19 | | |
| 4. | Навоий вилояти | 16 | | |
| | **II гуруҳ** | 65 | | |
| 5. | Андижон вилояти | 22 | | |
| 6. | Фарғона вилояти | 25 | | |
| 7. | Наманган вилояти | 18 | | |
| | **III гуруҳ** | 65 | 2016 йил 13-23 февраль | Ходиев Б.Ю., Максумов Н.Э. *(келишув бўйича)* |
| 8. | Самарқанд вилояти | 22 | | |
| 9. | Жиззах вилояти | 19 | | |
| 10. | Тошкент вилояти | 24 | | |
| | **IV гуруҳ** | 72 | | |
| 11. | Қорақалпоғистон Республикаси | 21 | | |
| 12. | Хоразм вилояти | 17 | | |
| 13. | Тошкент шаҳри | 17 | | |
| 14. | Сирдарё вилояти | 17 | | |

Эслатма: Ўқув семинарлари Давлат бошқаруви академиясининг Маҳорат дарсларини ўтказиш зали ва аудиторияларда ўтказилади.



Тошкент вилояти ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кейинги йилларда бунёд қилинган замонавий объектларга ташрифи жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда автотранспорт таъминотини ва уларнинг ташрифлари самарали ташкил этиш топширилганлиги;

- Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Б.Ахмедов)га Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (М.Алиев) билан биргаликда ўқув семинари тематик режаси асосида семинар иштирокчиларининг маданий дам олиши тадбирларини ташкил этиш топширилганлиги;

- Ички ишлар вазирлиги (А.Ахмедбаев)га ўқув семинари ва амалий машғулотлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ҳамда ўқув семинари иштирокчиларининг ҳаракатланиши жараёнида транспорт хавфсизлигини таъминлаш топширилганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг семинар ўтказилиши учун хизмат кўрсатувчи ва маҳсулотларни етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар билан тузган шартномаларининг Давлат харидлари биржа порталига эълон ва танлов учун жойлаштирилмаган ҳолда амалга оширилишига истисно тариқасида рухсат берилганлиги;

- Бош вазир ўринбосарларига республика вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотлари раҳбарларининг машғулотларда бевосита иштирок этган ва сўзга чиққан ҳолда ўқишнинг тегишли мавзулари бўйича пухта тайёрланишини ва ўтказилишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **П.Бобожонов**

Вилоят ҳокимининг
2016 йил "30" январь
106 - сон фармойишига
1-илова

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 28 январдаги 58-ф-сон
фармойишининг 1-иловаси
билан тасдиқланган

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этиладиган ўқув семинарининг**

**ТЕМАТИК РЕЖАСИ**

**1-кун**

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" номли маърузасининг видеофильми намойиши ва мазмун-моҳияти.**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Маҳорат дарсларини ўтказиш зали)*

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *М.Г.Алиев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори* |
| *Б.Ш.Мирбобоев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси* |
| *Д.Х.Абдукадыров* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қўмита раиси* |
| *Ф.С.Умаров* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қўмита раиси* |

**2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш юзасидан 2016 йилдаги ва истиқболдаги долзарб вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Н.Т.Йўлдошев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси* |
| *Н.М.Исмоилов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери* |



| | | |
|---|---|---|
| *А.Я.Мансуров* | - | *Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий маркази директори* |

**3. Одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.Ж.Абдувахидов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи* |
| *Ш.Ф.Нуруллаева* | - | *Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари* |

**4. Мамлакатимиз миллий ахборот майдонини бузғунчи маълумотлардан ҳимоя қилиш, уни миллий манфаатларни ифодаловчи маълумотлар билан бойитиш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ш.Ф.Нуруллаева* | - | *Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари* |
| *А.Н.Файзуллаев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигинг биринчи ўринбосари* |

**11-кун**

**Ўқув семинари якунлари**

1. **Якуний тест синовларини ўтказиш - 4 соат.**
2. **Семинар-мунозараларни якунлаш, тест синовлари натижаларини эълон қилиш.**

*1-2 гуруҳлар - Азимов Р.С., Назармухамедов Д.А. (келишув бўйича)*
*3-4 гуруҳлар - Ходиев Б.Ю., Максумов Н.Э. (келишув бўйича)*

**3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари, хусусан, профилактика нозирлари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.А.Ахмедбаев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири* |
| *Ж.С.Иногомов* | - | *"Маҳалла" хайрия жамоат фонди раиси* |

**4. Дунёда ва минтақамизда диний ниқоб қилиб олиб турли бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётган, вайронагарчиликлар содир этаётган бузғунчи кучлар ва ИШИД террорчилик ташкилотининг Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар онгига кўрсатаётган салбий таъсири ва уларнинг олдини олишнинг долзарб масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ш.Ф.Нуруллаева* | - | *Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари* |
| *А.Н.Файзуллаев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари* |
| *У.Т.Ғофуров* | - | *Тошкент Ислом институти ректори* |

**<u>10-кун</u>**

**<u>Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари</u>**

**1. "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси"нинг мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ва Концепция доирасида амалга оширилаётган ишларнинг долзарблиги. Дунёда ва Марказий Осиё минтақасида содир бўлаётган сиёсий жараёнлар, минтақада хавфсизликни сақлаш борасидаги сўнгги тенденциялар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.Ҳ.Комилов* | - | *Ташқи ишлар вазири* |
| *Б.Э.Турсунов* | - | *Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори* |

**2. Наркотрафик ва гиёҳванд моддаларни ноқонуний олиб келишга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадаги масъулияти ва муҳим вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *С.Р.Каримов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари* |



**3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китоби мамлакатимиз ва халқимиз келажагини белгилаб берувчи дастуруламалдир.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.А.Маврулов* | - | *Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари* |
| *Ш.С.Сирожиддинов* | - | *Ўзбекистон Миллий университети ректори* |

**4. Давлат бошқаруви соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Н.Э.Максумов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари* |
| *М.Г.Алиев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори* |

**<u>2-кун</u>**

**<u>2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг устувор йўналишлари</u>**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 15 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир" номли маърузасининг видеотасвири намойиши ва мазмун-моҳияти.**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Маҳорат дарсларини ўтказиш зали)*

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.М.Содиқов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти* |
| *Б.К.Ғайибназаров* | - | *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси проректори* |

**2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон Фармони ва “2015-2019 йилларда тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида” 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сон қарорининг бажарилиши борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ш.Н.Файзуллаев* | - | *Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари* |
| *Ш.А.Тўлаганов* | - | *Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари* |

**3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони ва “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон қарорининг ижроси борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Д.А.Хидоятов* | - | *Давлат рақобат қўмитаси раиси* |
| *К.Ф.Комилов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси* |

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони ва “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини оширишчора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон қарорининг бажарилиши борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Д.А.Хидоятов* | - | *Давлат рақобат қўмитаси раиси* |
| *Ш.Р.Матиев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари* |
| *К.Ф.Комилов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси* |
| *А.А.Юлдашев* | - | *Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари* |
| *А.Э.Шайхов* | - | *Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси* |



| | | |
|---|---|---|
| *Д.О.Исакулов* | - | *“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари* |
| *Ш.Н.Маҳмудов* | - | *“Ўзтрансгаз” компанияси бош директори* |
| *Л.Т.Акбарходжаев* | - | *“Ўздавнефтгазинспекция” бошлиғи* |
| *Ш.А.Пўлатов* | - | *“Ўзбеккўмир” очиқ акциядорлик жамияти бош директори* |
| *Э.Ф.Гадоев* | - | *Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари – Солиқ академияси ректори* |

**9-кун**

**Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг устувор масалалари**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2015 йил 23 июлдаги ПҚ-2374-сон қарорининг аҳамияти. Маҳаллий ҳокимликларнинг глобаллашув шароитида ёшларга оид давлат сиёсати устуворлигини таъминлашда масъулияти ҳамда жавобгарлиги. Давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ёшлар тарбиясидаги ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *М.К.Куронов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг маслаҳатчиси* |
| *Қ.Қ.Қуранбоев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шуъба мудири* |
| *Ж.С.Инагомов* | - | *Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси* |

**2. Маҳаллий ҳокимликларнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллигини оширишга қаратилган фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари. Вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.М.Ғаниев* | - | *“Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси* |
| *Б.Х.Даниязров* | - | *Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари* |
| *У.З.Салимов* | - | *Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори* |
| *С.М. Астанов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи* |

| | | |
|---|---|---|
| *Б.А.Хўжаев* | - | *Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари* |
| *А.А.Абдувалиев* | - | *"Ўзавтойўл" компанияси раиси* |
| *М.Р.Абдуллаев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармаси директори* |
| *А.Р.Тохтаев* | - | *"Даварх итектқурилиш" қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари* |

**2. Қишлоқларда замонавий уй-жой, ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаш ва қуришнинг долзарб масалалари. Қурилиш билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш бўйича долзарб вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *М.И.Шадиев* | - | *"Даврхитектқурилиш" қўмитаси раисининг ўринбосари* |
| *Қ.З.Хошимбеков* | - | *"Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси директори* |
| *Б.М.Муллахонов* | - | *"Қишлоқ қурилиш банк" раиси* |
| *А.А.Махаммадиев* | - | *"Ўзқурилишматериаллари" компанияси раисининг ўринбосари* |

**3. Коммунал хизмат соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишлари. Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. Аҳолининг ичимлик сув ва иссиқлик таъминотини яхшилашдаги мавжуд масалаларни ҳал этиш чоралари ва истиқболдаги вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *У.О. Холмуҳамедов* | - | *"Ўзкоммунхизмат" агентлиги бош директори* |
| *А.А.Мухамеджанов* | - | *"Ўзкоммунўқувташкилотчи" маркази директори* |
| *У.С.Комилов* | - | *"Ўзкоммунлойиҳақурилиш" институти директори* |

**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарорини бажариш борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли томонидан электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда кўмирдан самарали фойдаланиш, улар учун тўлов тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ғ.И.Ибрагимов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари* |
| *Ш.Н.Файзуллаев* | - | *Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари* |



## 3-кун

**2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг устувор йўналишлари**

(мавзунинг давоми)

**1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари. Давлат бюджетида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланишда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ж.А.Қўчқоров* | - | *Молия вазирининг ўринбосари* |
| *У.И.Иноятов* | - | *Халқ таълими вазири* |
| *А.В.Алимов* | - | *Соғлиқни сақлаш вазири* |
| *У.З.Салимов* | - | *Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори* |
| *Э.Ф.Гадоев* | - | *Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари - Солиқ академияси ректори* |

**2. Мамлакатимизда банк тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги сўнгги ўзгаришлар ва уларнинг аҳамияти.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *У.М.Мустафоев* | - | *Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари* |
| *Н.Б.Хусанов* | - | *"Микрокредитбанк" раиси* |

**3. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини (АКТни) кенг жорий этиш, янги босқичда ривожлантириш тенденциялари, давлат бошқарувида "Электрон ҳукумат" тизимидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил қилиш бўйича маҳаллий ҳокимлик органларининг асосий вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.Н.Файзуллаев* | - | *Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари* |
| *А.А.Усмонов* | - | *Адлия вазирининг ўринбосари* |
| *Ш.Х.Шерматов* | - | *Тошкент шаҳридаги Инха университети ректори* |
| *А.А.Ходжаев* | - | *Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона директори* |

**4. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг хўжалик юритувчи субъектлар, ишлаб чиқарувчилар, шу жумладан кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг жаҳон бозорларига чиқиши учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдаги аҳамияти.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *З.А.Дўсанов* | - | *Давлат божхона қўмитаси раиси* |
| *Р.Т.Комилов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қўмита раиси* |
| *Ш.А.Тўлаганов* | - | *Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари* |

**4-кун**

**2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг устувор йўналишлари**

(мавзунинг давоми)

**1. Республика худудларини 2016-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Худудларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш чоралари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Д.Р.Турдиев* | - | *Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари* |
| *А.О.Арипов* | - | *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари* |
| *Ш.Х.Аҳмаджонов* | - | *Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори* |
| *Ш.А.Тўлаганов* | - | *Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари* |
| *У.М.Мустафоев* | - | *Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари* |

**2. Маҳаллий ҳокимликларнинг 2016 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, Ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда иш берувчилар билан хамкорликнинг муҳим йўналишлари, халқаро ва миллий меҳнат стандартларининг жорий этилишида маҳаллий ҳокимият органларининг ўрни ва улар олдидаги долзарб вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.Ю.Ходиев* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари* |
| *А.А.Абдуҳакимов* | - | *Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири* |
| *У.З.Салимов* | - | *Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори* |
| *М.Е.Эшматов* | - | *Марказий банк раисининг ўринбосари* |



**2. Оила, оналик ва болаликни химоя қилишда оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг тутган ўрни. Соғлом авлодни вояга етказишда мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларидаги шарт-шароитлар ва таълим-тарбия сифатини янада ошириш. Болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштиришда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.В.Алимов* | - | *Соғлиқни сақлаш вазири* |
| *У.И.Иноятов* | - | *Халқ таълими вазири* |
| *Э.Б.Искандаров* | - | *Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси* |

**3. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаш масалалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *У.З.Салимов* | - | *Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори* |
| *М.М.Холмуҳаммедов* | - | *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати бошлиғи* |

**4. Юртимизда қиз болаларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етиши, уларнинг лицей ва коллежларда таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашини таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг муҳим вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Э.И.Баситханова* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси* |
| *Х.Х.Мамадалиева* | - | *"Оила" илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари* |

**8-кун**

**2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш ҳамда энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш истикболлари**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида" 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сон қарори ижросининг асосий йўналишлари. Маҳаллий ҳокимликларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш, худудлардаги маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича долзарб вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.И.Закиров* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари* |

*Т.К.Норбоева* - *Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси*

**3. Республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, товарлар ва хизматлар сифати, турлари ҳамда рақобатбардошлигини оширишдаги муҳим вазифалар. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш соҳаларининг асосий йўналишлари.**

*Олиб борувчилар:*

*Э.М.Ғаниев* - *Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири*

*Ж.Ғ.Мирсаидов* - *"Ўзстандарт" агентлиги бош директори ўринбосари*

*Ш.Д.Раҳманов* - *"Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослашган ташқи савдо компанияси директори в.б.*

*Ж.И.Мустафаев* - *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори*

**4. Халқаро саноат ярмаркаси, Кооперация биржаси ҳамда Инновацион ярмаркаларда тузилган шартномаларнинг бажарилишини ўз муддатида таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

*Ш.А.Тўлаганов* - *Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари*

*Ш.Н.Файзуллаев* - *Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари*

*О.Р.Парпиев* - *Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг ўринбосари*

**5-кун**

**2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон қарори мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган муҳим вазифалар. Фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши фаолиятини такомиллаштириш.**

*Олиб борувчилар:*

*Ш.Ж.Тешаев* - *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири*

*С.Т.Турдиев* - *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари*

**2. Республикада мева-сабзавот, полизчилик ва узумчиликни ривожлантириш, янги боғ ва токзорларни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, соҳага замонавий илғор технологияларни жорий этиш бўйича 2016 йилги дастурлар бажарилишини ҳамда аҳолининг шахсий томорқаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.А.Сулайманов* | - | *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари* |
| *Ш.Н.Раҳимов* | - | *"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси раиси* |
| *А.Х.Салимов* | - | *Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси* |
| *Ю.Б.Саимназаров* | - | *Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори* |
| *Р.А.Ҳакимов* | - | *Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори* |

**3. Чорвачилик, эчкичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчиликни ривожлантириш истиқболлари, маҳаллий ҳокимликларнинг бу борадаги долзарб вазифалари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Б.Т.Норқобилов* | - | *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ветеринария бош бошқармаси бошлиғи* |
| *П.Э.Раҳматуллаев* | - | *Республика "Паррандасаноат" уюшмаси раисининг ўринбосари* |
| *Р.Б.Курбонов* | - | *"Балиқчилик" илмий-тажриба станцияси раҳбари* |
| *А.А.Нурматов* | - | *Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти директори* |

**6-кун**

**2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш истиқболлари**

**(мавзунинг давоми)**

**1. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, ер ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш масалалари. Ирригация-мелиорация тадбирларини ўтказиш ва сув хўжалигини янада ривожлантириш истиқболлари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *С.А.Арабов* | - | *Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси* |
| *А.С.Омонов* | - | *Ўзбекистон давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти бош директори* |



| | | |
|---|---|---|
| *Ш.Р.Ҳамраев* | - | *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари* |
| *М.Х.Ҳамидов* | - | *Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори* |

**2. Ғўзани парваришлашда агротехника талабларига риоя этиш, пахта ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш чора-тадбирлари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *Ш.Ж.Тешаев* | - | *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири* |
| *Б.М.Холиқов* | - | *Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг ўринбосари* |

**3. Бошоқли дон экинларини парваришлашда агротехника тадбирларини бажаришнинг технологик талаблари. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини янада ошириш йўллари.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.О.Омонов* | - | *Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти директори* |
| *Р.И.Сидиқов* | - | *Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори* |

**4. Республикада тўқимачилик корхоналари фаолиятини ва ипакчилик соҳасини янада ривожлантириш борасидаги маҳаллий ҳокимликларнинг вазифалари. Чорва молларини сўйишга ихтисослашган замонавий кушхоналарни қуриш, терини қайта ишлаш ва чармпойабзали маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича белгиланган устувор вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *И.У.Ҳайдаров* | - | *"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти раиси* |
| *М.Д.Мансуров* | - | *"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раиси* |
| *Ш.Р.Умаров* | - | *Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори* |

**7-кун**

**"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ва мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар**

**1. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва унинг ижросини самарали таъминлаш борасида маҳаллий хокимликлар томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар.**

*Олиб борувчилар:*

| | | |
|---|---|---|
| *А.И.Икрамов* | - | *Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари* |
| *А.В.Алимов* | - | *Соғлиқни сақлаш вазири* |
| *У.И.Иноятов* | - | *Халқ таълими вазири* |
| *Т.К.Норбоева* | - | *Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси* |